

БЕКОБОДЛИКЛАР ЎЗ СЎЗЛАРИ-НИНГ УСТИДАН ЧИҚДИЛАР

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

Бундан бир ойча муқаддас газеталида Бекобод район колхозлари ва совхозлари партия, совет, комсомол ва касба-соҳа ташкилотлари ҳамда ҳақ маориф ходимларининг мактабларини янги 1964-1965 ўқув йилига тайёрош юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятлари аъло қилинган эди. Район жонқурулар мактабларини янги ўқув йилига барвақт тайёрлаб қўйиш, ремонт ишларини сифатли бажариш, қўшмача синф хоналари қуриш, ўқувчиларни дарсликлар билан ўз вақтида таъминлашга қатъий сўз беришганди.

Бекобод район жамоат ташкилотлари ўз вақтларининг устидан чиқдилар. Бу хушхабар областини бўйлаб кенг қанот ёйди.

Район жамоат ташкилотлари ўзбекистон ССР ва ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашиб, 20 июлда мактабларини янги ўқув йилига тахт қилиб қўйдилар. Болалар муассасалари, устакхоналар ва ўқув қурулларини сифатли ремонтдан чиқаришди. Райондаги

42 мактабнинг 8 таси капитал, 34 таси эса жорий ремонт қилинди, 7.500 та парта таътилли ва яхшилаб мойланди. Район жамоатчилиги куч билан 490 та синф хонаси, 243 та дераза, 70малар, 125 та эшик, 174 та печка ремонт қилинди.

Шунингдек, ўқитувчилар квартираси янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Бир йилга мўлжалланган ёқилғининг 80 проценти таъин келтирилди. Мактаблар 39.572 та дарслик—китоб билан таъминланди. Ҳозир бу дарсликларни тарқатиш иши қизғин оlib боришмоқда. 660 ўқувчиға мўлжалланган 22 та қўшмача синф хоналари барвақт қурилиб бўлиди. Қолган 93 та синф хоналарини қуриш ишлари яқин орада тугалланади. Бу синф хоналарида 2.790 ўқувчи таълим олади.


Бу йил райондаги 27 та мактабда машгулотлар фақат бир сменада олиб борилади. 16 та мактабда эса машгулотлар бир ярим, учта мактабда

эса машгулотлар икки сменада ўтказилади.

Районга янги ишга кетаётган ёш ўқитувчилар учун мўлжалланган квартиралар ҳам қуриб бېтазилди.

Район мактабларини янги ўқув йилига барвақт тайёрлашда колхоз ва совхозлар катта ёрдам кўрсатдилар. Айниқса, 1-«Далларзин» пахта совхозини (директори ўртоқ Н. Иброҳимов), «Чаноқ» пахта совхозини (директори ўртоқ Э. Тўрақулов), Навоий номи колхоз (раиси ўртоқ А. Отабоев), Ленин номи колхоз (раиси ўртоқ Х. Ҳамроқулов) ва бошқа хўжаликлар бу соҳада ахши намуна кўрсатдилар.

Район жамоат ташкилотлари мактабларини бир сменада машгулотларға қўришни яқинда бундан кейин ҳам самарали меҳнат қиладилар.



ҚАРОВСИЗ КЛУБ

Янгийул бошқармасига қарашли 9 бондорчилик совхозини марказидан ўзганин совхознинг дурустлигини клуби бор экани деб ўйлабди. Аммо, клубга кирсангизчи, бинонинг бир неча йилдан бери ремонт қилинмаганининг гувоҳи бўласиз. Бунинг устига клубда ҳеч нарса йўқ. Совхоз ишчилари дам олиш ниятида клубга келишадилар: «бу қанақаси, клуб бўлса-ю, ўқини учун на газет-журнал, ўйнаш учун на шахмат-шашка ва на дамнано биллар бўлмас!» деб раишадилар.

Совхоз партия ташкилоти билан бўлим касба-соҳа комитети клубни тезроқ ремонт қилиш, керакли буюмлар билан жиҳозлаш, уни совхоз ишчиларининг энг яхши маданий дам олиш жойига айлантириш учун қайғиришмайдилар.

Ш. ДАДАБОВ.

Яқинда пойтахтининг Оқтобрий райони қарашли Ўйғур кўчасида янги болалар ўйишга таъминланди. Суратда: болалар ўйининг қўриқчили.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Каниқула бўлишига қарамай, Тошкент мактабларида ишлар қизғин давом этмоқда. Болалар ремонт қилишмоқда, болаларнинг сифатли янги ўқувчилар қабул қилишмоқда, дарсликлар сотилмоқда. Ремонт ишларини ҳаммасини 15 августга тамомлаш, янги таълим мактабларида ўқувчи олиш бўлиб болаларнинг ҳақмасини тезроқ ҳисобиб олиш қўлида тутилмоқда.

Ишчи болалар мактабларининг шохбосқини яқинда кенгайтириш қарарли қўрилмоқда. Қорхоналарда соқис билан билан эа бўлмаган кишилар учун жамоат-

чилик асосида мактаблар ташкил қилинмоқда. Янги ўқув йилида махсус кабинетларда юқори синф ўқувчилари билан амалий машгулотлар ўтказишда алоҳида эътибор берилади. Мактаб устакхоналари, ошхоналари, фелдшерлик-медицина пунктлари, тиш касал-ларини даволаш кабинетлари янги ўқувчилар билан таъминланмоқда.

Мактаблар ва болалар муассасаларининг ремонтини тамомлаш учун қўриқчи суратда юз миң сўдан кўпроқ пул ва ҳар хил буюм-қўриқчи материаллар ажратилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ-НИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ДАСТЛАБКИ ТРАКТОРЛАР

1924 йилининг баҳор ойлари. Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари тракторларни ўқиб, уларни қўриқчи қўриқчилар ва босмачилар томонидан байрон қилинган экин майдонларини қайта тиклаш учун дала ишларини қизғин оlib боришди. Қишлоқ хўжалигини ўрнатишда даражага кўралиб, деҳқонлар аҳолини тўқиб, қишлоқ, коллектив хўжаликлар ташкил қилиш каби вазифаларни амалга ошириш учун ота-боболардан қолган омон ва кетмон оғиллик қилар эди. Шунинг учун Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини тракторлар қўлинишни маъқул топти.

Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивига Туркистон республикасининг Зирот ҳалқ комитетининг коллегиясининг қишлоқ хўжалигини тракторлардан фойдаланиш ҳақида 1924 йил 10 мартда қабул қилган қарори сақланган. Бу қарорда Туркистон қишлоқ хўжалигини тракторлар билан биринчи даражада давлат қишлоқ хўжалик складлари бошқармасидаги тракторларни бериш ва бу тракторлар билан меҳнатқаш деҳқонларнинг экин майдонларини ҳайдаш зарурлиги қўриқчилар билан 1924 йилининг баҳорини «Қовунчи», «Малик», «Пахтаорол» совхозларида, Мирзачўл қишлоқ хўжалик тақриб станциясида, Пискент агроучасткисидан ва бошқа жойларда қўрилган. Деҳқонлар тракторларини ҳайратда қолдиришнинг ишнини қўриқчи, унга «ўт омон» деб ном беришди.

Деҳқонлар ерни трактор билан ишлашини аҳамиятини тезда англадилар. 1924 йилининг апрели ойида Хожанов қишлоқнинг бир гуруҳи деҳқонлари Тошкент уезд ер бўлимига ариша ёзиб, ерларни трактор билан ҳайдаб беришни сўрагандилар. Алоҳид хужжатларнинг маълумотларига қараганда, бундай аришлар Тошкент область ер органларига кўп тушган ва улар имконият борица қонқитрилган.

Қишлоқ хўжалигини трактор билан қўриқчи билан бир вақтда ёш ёзбег йигитларидан тракторчилар тайёрлашга киришилган. 1924 йилининг июни ойида Тошкентда уч ойлик тракторчилар курси очилди. Бу курсда 90 тракторчи тайёрланган бўлиб, булардан 32 киши ўзбеклар эди.

Тайёрланган тракторчиларнинг қўриқчилиги шаҳарликлар бўлган. Бунинг устига ерли миллатлардан тайёрланган тракторчилар сони оз бўлиб, талабга жавоб бермас эди. Шунинг учун қишлоқларда курсни битирган ҳар бир тракторчинга биттадан шогирд беришди, ёш ўзбек йигитларидан тракторчилар тайёрланган.

1925 йилининг баҳор ойларига келиб тракторлар сони Тошкент областида 90 га етди. Ўша йилининг кузига 69 трактор билан 2967 деҳқонга ер ҳайдалди. Тракторларнинг қўриқчилигини «Фолдон» номи трактор ташкил қилар эди. Бундан ташқари «Интернационал»

«Могол» деб аталган тракторлар ҳам бор эди. Тракторлар ер ҳайдашдан ташқари майда аришлар қўриқчи, дон экинларини селка билан екишда, бўдой ва ўғилрини иғишда, пахта ташлашда ва бошқа ишларда ҳам фойдаланилар эди.

Янги ерларни очишда тракторларнинг аҳамияти катта бўлган. 1926 йил баҳорини Тошкент-областининг Тўйтепа, Зангиота, Чиноз, Гойибота волостларида, Жун-арик, Хон-арик бўлиларида янги ерлар очиш учун 62 та трактор ишладилар. Тракторлар ердамида 1 Майга қалар 2.190 деҳқонга ер очилди, бу ерлар 500 дан ортиқ янги хўжаликларга берилди.

Ерни трактор билан ҳайдаш жулда арзон тушарди. Ўша вақтдаги ҳисобларга қараганда, бир деҳқонга ерни трактор билан ҳайдаш учун 7—9 сўм сарфланарди. Шунча ерни от ва хўкилар билан ишлаш учун эса 15—25 сўм кетар эди.


Тракторлар иқтисодий томондан фойда келтиришдан ташқари янги хўжаликларни коллектив хўжаликка ўтказишда ҳам катта аҳамиятга эга эди. Биринчи деҳқонга ерга эга бўлган деҳқон хўжаликларини ўзлари мустақил равишда трактор сотиб олиб ишлатишдан фойда кўрмас эдилар. Шунинг учун 30—40 янги хўжалик бирла-

шиб, машина ширкати тузиб трактордан фойдаланишар эди. 1924—1926 йиллар давомида 10 та машина ширкати тузилиб, уларга 11 та трактор берилган эди. 1927 йилининг май-июни ойларида яна 6 та машина ширкати тузилди. Шулардан биттасини Янгийул район Зангиота қишлоғида 30 та деҳқон хўжалиги тузишди. Бу деҳқонлар қишлоқ рўзғор ширкати томонидан беришган тракторни машина ширкатининг правление аъзоси, трактор курсини битирган Нўлшоҳов ҳайдар эди. Машина ширкатлари деҳқонларни коллектив бўлиб ишлашга ўргатди ва коллектив хўжаликнинг устун эканлигини амалда кўрсатди.

Тракторлар сони Тошкент округида йилдан-йилга ортиб боришди. 1926—27 хўжалик йилида 148 трактор бўлган бўлса, 1927—28 йили тракторларнинг сони 192 етди, 1928—29 йили эса 300 га етди.

Тракторнинг қишлоқ хўжалигини қўлинишни деҳқонларнинг оғир меҳнатини енгиллаштирди, деҳқончиликни ривожлантирди, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш учун шарт-шароитлар яратиб берди.

И. АЛИМОВ.



Бу суратда 1925 йилда Тошкент областида янги ер оқаётган трактор тасвирланган.

СЕЛЕКЦИОНЕРЛАР КУТУБХОНАСИ

Пахта селекцияси ва уруғчилиги институтини республика колхоз ва совхозлари учун пахтанинг янги навларини етказиш бўлиб берувчи энг наизамий текшириш муассасасидир. Институт бўлиб 45 йил муқаддас ташкил этилган.

Дастлабки йилларда «Ўзбек» тинидаги нам ҳосилли нав унинг «Наврози», «Ширедер», Улуг Ватан уруши йилларида эса «С.460» юнори ҳосилли, ертинилар, юнори технология кўрсаткичларга эга бўлган навлар етказиб берди.

Стандия ташкил этилган несларда қишлоқ хўжалигининг пахтачиликни адабиётлари билан таъинишувчи ишчиларига кутубхона очилган эди. Кутубхонанинг китоб фонди тобора ортиб бори.

Кутубхона 35 мингдан ортиқ адабиётга эга. Шунингдек, пахта, беда, совхоз, махсусхўра ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекциясида бағишланиб чиқаришган рус, инглиз, француз ва бошқа тиллардаги илмий адабиётлар ҳам бор.

С. С. Навоий, А. Д. Даллабаев, Н. Н. Константинов, С. С. Солиров, Ф. М. Мауэр, Б. П. Струмаев, А. Н. Антономов, Э. Х. Узуновлар ва бошқа атоқли селекциячилар олимлар ҳам шу кутубхонанинг аъло аъзоларидир.

Йилда кутубхонага «Ўзбекистон» илмий вегетатив чагитириш, «Пахта» қизил, «Пахта уруғчилиги» каби бир неча ўнлаб янги илмий китоблар келтирилди.

Кутубхонага 25 йилдан бери ўз наслини юн-дидан севган Нила Антономовна Тодорова мудирлик қилиб келмоқда.

Б. АЗИЗОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 1 АВГУСТ 1964 ЙИЛ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Намизжоларини

Махсус қишлоқ

«ХОТИРЖАМЛИК

ҲОСИЛ ДУШМАНИ»

Оқдўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 1-«Оқдўрғон» совхозига ўша парварини ихлофда кечкини кетаётганлиги, гузани сугорини ишларида 200 киши қатнашини лозим бўлган бир вақтда бу ишларида 170 дан кам киши иштирок этаётганлиги, айрим қараларга гузларини ёвонли ўт босиб кетаётганлиги юфториди сарфлаш материалда танқид қилинган эди.

Бошқарма партия комитети газетда босилган танқидий материални совхоз директорлари, колхоз раислари, бригада ва бўлим бошлиқлари иштирокда муҳокама қилган. Муҳокамада 1-«Оқдўрғон» совхозининг баъзи бўлимларида гуз парварини кечкини кетганлиги, сугорини тартибсизликлар рўй бераётганлиги тўла тасдиқланган.

Маълум қамчилликларни тўғатиш учун конкрет тадбирлар белгиланган.

Р. ГРИШИН.

(ЎзТАГ мухбири).

ПАРТИЯ ГРУППАСИ—КОЛЛЕКТИВНИНГ ЖОН-ДИЛИ

Тошкент тўқимачилик комбинатидаги биринчи йигирув фабрикаси урш цехининг ҳар уччала коммунистик меҳнат бригадасининг ҳаммаси ой сайин пландан ташқари бир тонадан ва ундан ҳам кўпроқ налага ишлаб чиқармоқда. Бу ерда ҳамма киши ўз нормасини ошириб бажармоқда. Деҳқон бошқа ишчилари ҳам илгор ишчилардан уршак олмақда. Цех йил бошидан буён тошхорица қўриқчи суратда қишлоқ юз минг сўмлик маҳсулот берди.

Бу рақамлар ишчилар ички коллективни фидоқорона меҳнатининг самарасидир. Коммунистлар ана шу коллективнинг жонлигини ва илхомини бўлиб, улар ҳамма ишда ва ҳамма соҳада шахсий намуна кўрсатмоқдалар. Цехда йилгирма беш коммунист ишлайди. Улар ҳал қилувчи устакхоналарга жойлаштирилган. Уч коммунист—

Ф. Қосимхўнаев, Е. Бубнова, А. Эгамбердиев партия гуруппаларида бошчилиги қилимоқда. Бу партия гуруппалари сменада ташкил қилинган бўлиб, ишлаб чиқариш ишларига катта таъсир кўрсатмоқда.

Кишилар меҳнатда тарбиялаш — партия гуруппалари фаолиятида асосий уринини эгаллайди. Коммунистлар цехга ишга киришган ҳар бир ёш илмичига зўр ғамхўрлик кўрсатадилар.

Дилбар Тўхтақонова фабрикадаги махсус қўриқчида илди. Ички наслининг «сирларини» эгаллаб олиш, ўз ўқинини давом эттириш учун унга барча шартлар яратиб берилди. Йиллар ўтди. Ҳозир коммунист Д. Тўхтақонова уч касб эгаси бўлиб қолди. У, бунинг устига тўқимачилик институтининг бешинчи курс студентидир. Илгор ўқувчи коммунистасига ишлаш, ўз билимини узлу-

сиз таомиллаштириш билан бир қаторда, антив жамоатчи ҳамдир. Тўқимачилар уни шахар советига депутат қилиб сайлашган эди. У, ўз коллективининг ишчиларини оқламоқда.

Бу — янги-ягона факт эмас. Бошқа ёш илмичларга ҳам ана шундай зўр ғамхўрлик қилинмоқда. Ишлаб чиқаришда зарур бўлган интизомга уларнинг қўриқчи бирдиганлиги одатдаги қўриқчи бирдиганлигидан фарқ қилмайди.

Партия гуруппалари касба-соҳа ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда ишчиларни тарбиялашнинг хилма-хил формаларидан фойдаланмоқдалар. Интизомсиз ишчиларга нисбатан деворий газетга ҳужийи варақалар ўзи-

нинг несини сўзини айтади. Цехда иккита доимий рейд бригадаси бор. Кейинги вақтларда налага сифати анча яхшиланганлиги учун, эндиликда усунулардан унумлироқ фойдаланилаётганлиги учун коллектив бу бригадалардан гўл миннатдор.

Калава чиқиндисини йилгирма барабар намайди. Утган йили калава чиқиндисини суткасида 80 килограммин ташкил этган бўлса, ҳозир эса аттиг 4 килограммдир.

Цех коммунистлари — ишлаб чиқариш новаторларидир. Коммунистлар шунга эришилди, ҳозир цехда ҳар олти кишидан бири рационализатор. Рационализаторларнинг тақдирлари бўйича уршувнинг тизлиги биринчи ошаришга, усунуларнинг иш унумини 6 процент ўстиришга, иш унуминини 15 процент намайишига муваффақ бўлиди. Ил унумини

нинг намайганлиги, ўз навабиде, тўқиб чиқарилаётган газламадаги нуқсонларни намайириш имконини берди.

Партия гуруппалари ўз олдларига ҳар бир ишчининг сиёсий йиллари билан қўриқчиликни вази-фасини қўйдилар. Улар бу соҳада ҳозирдаги нўш ишчилар. Ҳар уч ишчидан бири сиёсий маориф шохбосқисиди ўқинмоқда. Ишчилардан 30 киши олин ва ўрта ўқув юртларида таълим олмақда. Ишчилар махсус мактабларда ва тўғараларда ўз техника билимларини оширмоқдалар, энг яхши ишчиларнинг тақрибисини ўрганмоқдалар. Ишчилар цех лем о-рийида Ватан тўқимачилик сан-атиди ютуқлар тўғрисида гапириб беришди.

25 коммунистнинг ҳар бири партия тошхорицага эга. Партия тошхорицалари шундай таъсис дин-лигини, токи бу тошхорицаларини

одамлар зўр қизқини билан бажаришдан бўлишсин, ўз қўли-ятларини тўла-тўқисини рубига чиқара оладиган бўлишсин. Булар — пропагандачилар, лектор, агитаторлар, деворий газетда редколлегиясининг аъзолари ва варақаларнинг редакторлари, сановат эстетик насли бўйича рейд бригадаларини аъзоларидир.

Биринчи йигирув фабрикаси урш цехи партия гуруппаларининг олиб бораётган бу хилма-хил ишнинг Тошкент шахар партия комитетининг бюроси маълумлади. Өрүнча район партия комитетига ана шу партия гуруппаларининг тақрибисини кенг ёйиш, бунинг учун партия гуруппаларининг тақрибисини билан семинар машгулотлар ўтказиш, илгирлики газеталарда, экскурсиялардан фой-даланиш тақлиф этилди.

Р. ГРИШИН.

(ЎзТАГ мухбири).

„ЧАНОҚ“ ТЮПКОЧИЛАРИ

**32 комплекс механизациялашган звено * 8—9 та-
дан бўлиқ нўсан * Гектаридан 30—35 центнер учун
* Ҳосилнинг 90—95 проценти машинада терилади.**



Мана бу суратларнинг чап томонидаги йигит—пешқадим механизатор-звено бошлиғи ўртоқ Ҳолиқберди Эгамбердиев. Ўртадаги суратда ўзани механизаторлар ёрдами билан чеканка қилиш пайти тасвирланган.



ЯНГИ ЙЎЛДАН

СОВХОЗ идорасининг олди гавжум. Билаларидан куч ёғилиб турган навиқорон йигитлар гўрғуллашиб турарди. Сухбат албатта бўла-кўсак, култивация ҳақида борар эди. Бир «тўртинчи ишловни тугатдим» деса, бир чеканкани тугатганини айтди. Шу пайт совхоз директори Эсон ака:

— Қани йигитлар кетдик,— деб қолди. Бирорлар «Волгага, бошқалари «Москвичга» ўтириб, кўнаб кетишди.

Булар «Чанок» совхозининг звено бошлиқлари—түпкоччи механизаторлар эди. Уларни 2-Далварани совхозига ўзаро текширишга таклиф этишганди. Йигитлар борган жойларида анчагина қимматли маслаҳатлар беришди. Ҳа, «Чанок» совхозининг бу механизаторлардан ҳар қанча ўрнатилса ярайдди.

Мана, комсомол аъзоси Нурмурод Ярашевнинг даласи. Яхлит кўрта. Бўйи белга урайдиган бир хилдаги гўзалар. Ҳар уйда санангандай 3 тулпан гўза, ҳар тулпа 8—9 талдан бўлиқ кўсак. Эгитларга назар ташласангиз бирор тўп бегона ўт учратмайсиз. Тўғрида агрегатини бир текис бошқариб механизатор келарди. У эгит бошига етган, ябжирлик билан машинани қайтарди, у, иккинчи эгитга ростлаб қўйган, сакраб тушди. Қўларда қувонч ўти чапнаб турган бу йигит шу даланинг хўжайини, механизатор Нурмурод эди.

— 42 гектар майдонимиз бор, гўзамини кўриб турибсизлар. Ҳозир тўртинчи бор ишлов беришдик. Оқинини айтганда нечаничи ишлов эканлигининг аҳамияти унча эмас. Хамма гап қандай ишлов беришди, туларнинг тағи юмшоқ, майин тулпор бўлиши керак. Сугорилган кейин қаер етилган бўлса, шу ери култивация қилинади,— деди Нурмурод.

Неча йилдан бери механизаторсиз?— сўради ундан.

— Санки йилдан бери. Лекин илгарида ҳар қайси гектарларда юриб трактор қайтардик. Бу йилдаги мириқиб ишлаганини эслаболомайман. Авваллари иложи борича кўпроқ ер қайлашга эътибор берардик. Ахир гектарга қараб ҳақ олардик-да. Бир кунда 12—14 гектар жойни қайлаб кетардик. Сифати билан унча қиймасдик. Энди бўлса мана шу 42 гектар майдондаги гўзамини ҳосилни бизни қийратди. Сифатли ишласан, шунга яраша ҳосил оламиз. Норма ҳам, нарда ҳам йўқ, буларнинг ўрнига гўзадаги наҳд ҳосил келди.

Нурмурод ҳақ талин айтди. У мана шу майдоннинг хўжайини, шу ердан олган «оқ олтин»га қараб ҳақ олади. Мана, унинг текхнологик картаси. Бу картада вегетацион давр ичида звенога қанча маблаг сарфлангани ва звено аъзолари қанча ҳосил етиштириши кўрсатилган. Шў кўнларда звено бошлиғи 90 сўмдан, сувчилар 80 сўмдан, ишчилар 70 сўмдан маош олиб ишлайоти. Ил охирида хирмон кўтарилганда ана шу харажатлар ҳисобланади. Пахта етиштиришдаги бошқа харажатлар ҳам ҳисобга олинган, дармадан чегирланади. Ортиқча қилинган фойда звено аъзоларига тақсимлаб берилади. Пиландан ташқари топирилган ҳосилнинг 25 проценти миқдоридаги пул ҳам звено аъзолари ўртасида тақсимланади. Яна агар звено аъзолари харажатлардан тежаб қолтишган бўлса, бу ҳам уларга бўлиб берилади.

Нурмуроднинг звеносига йил бошида 9 минг сўмлик маблаг ажратилган экан, 6 ойнинг ичида бунинг 3570 сўми сарфланган ҳолос. Звено аъзолари йил охиригача яна 2,5—3 минг сўм сарфлашни планлаштириб туришди. Маънафити ана шундай сарбағишлаб ишлатилган натижада звено аъзолари белгиланган харажатдан 3 минг сўм иқтисод қилиб қолишди. Звено бошлиғи буларнинг мириқиб-сирғилган ҳисоблаб юрибди. Уларга таъбиқ ҳам керак эмас, бригадир ҳам.

Нурмурод ишлатилган бўлиқ — совхознинг 3-бўлими. Механизатордан звено бошлиғи белгиланган Түпкоччи методга асослаб ишлаш системаси бўлиб ишчиларига мамнун қилди. Шўнинг учун ҳам бу бўлимда аввалги 7 та бригадани ҳозир иккита бригада қолди ҳолос.

МЕХАНИЗАТОР—ЗВЕНО БОШЛИҒИ

СОВХОЗДА ўтган йили комплекс механизациялашган йилга звено ташкил этилган. Бунинг тарихи шундай бўлган. Совхозга машҳур механизатор Валентин Түпкоччи келган. Илорига бир гурупа механизаторлар чақирилди. Улар билан Түпкоччи суҳбат ўтказди. «Комплекс механизациялашган звенолар тузасанлар, кўнларинг унинг бошқариларинг, нардиёз ишласан, кўнларинг ҳосилга қараб ҳақ олмасан», деган маслаҳатни ўртага ташлади. Механизаторлар шунда ўйлашиброқ қолди. «Қа-

лай бўларкин, тракторнинг тилини билишга биламиз-у, лекин ҳақи пахтанинг тилини яхши биламиз-да. Бунинг устига ажратилган маблагни харажат қилиб юборсанг-у кўнларинг ҳосилни ололмасан. Бу ёғи нима бўларкин» деган гаплар ҳам уларнинг дилидан ўтган эди. Шунда Түпкоччи уларга:

— Қўнларинг йигитлар, биринчидан кам меҳнат сарф қилиб ва кам пул ишлатиб, кўп ҳосил олиш керак. Бунинг учун эса барча ишчи машиналар елкасига ортиш керак. Иккинчидан агрегатларни қўнларига тўла риоя қилиш керак,— деганди.

Бирин кетин йигитлар орасидан звено бошлиғи бўлиш истагини билдирувчилар чиқиб қолди. Уларнинг сафи 10 тага борди. Совхозда биринчи йили 10 та суворий иш бошлади. Улар ишни қўнларига бошлашган эди. Шўдур сифатли ўтказилди. Қўннинг ўзидаёқ бегона ўтнинг илдиз битта-битталаб сугуриб ташланди. Эрта баҳорда азматлар ери экинча сифатли тайёрлаб қўйилди. Барча иш Түпкоччи айтганидек техника ёрдами билан барилди. Натижа ёмон бўлмади. Ўтган йили «Чанок» совхозининг пахтакорлари Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планларини муваффақият билан адо этишди. Ахир бу совхоз неча йиллардан бери планини бажаролмай келарди-да. Бу катта ютуқни қўлга киритишда ана шу йил механизаторнинг улуши катта бўлди.

Бу йилги режалар планлаштирилганда совхоз директорининг столида бир даста ариза турарди. Булар шоферлар, механизаторлар, селсдорлар, худдас техникалар меҳр қўйилганлар эди. «Анча йилдан бери шоферлар қиламан. Тракторни ҳам, ХВСН ҳам бошқариш қўлимдан келмади. Мени комплекс механизациялашган звенога ўтказсангиз» деган мазмунда ёзилган эди бу аризалар. Маъмурий аризаларни бироз-бир кўриб чиқди ва Түпкоччи методга асослаб ишлаш орасидаги механизаторлар билан суҳбатлашди. Шўлардан 22 киши звено бошлиғи қилиб тайинланди.

Нурмурод Ярашев ана шўларнинг бири эди. У ўтган йили оддий тракторчи эди. Шўнингидек Валломи Тўхтабоев ҳам шоферликдан пахтачилик звеносига ишлагани қарор қилди. У биринчи йили далада ишлайоти. Валломига 40 гектарлик йилда ер ажратиб берилди. Тўғриси айтганда бу пайкал пастлик, захкаш ер эди. Кўнча шўри чиқиб ётар эди. Ерининг етгаи қамчишор эди. Валломи кузга аввало ерини текислади, шўрини ювди, чўқур шўдур қилди. Эрта баҳорда яна бир бор қўқур сув берди. Шўндан кейингина ерга чигит ташланди. «Дехқончиликда тажрибадан йўқ» деганди, уми Түпкоччи мактабига ўқишга юборилди. Валломи бу тажриба мактабидан кўп нарсани ўрганиб қайтди. «Ерга меҳнатини аямасан, саҳий ер сендан ҳосилни аямайди» дейди у. Валломи дастлаб чигитни экинган олдин

ҳар гектар ерга 350 килограммдан суперфосфат солди. Ўзга унинг чиқиши билан қатор оралиғи ҳам бўлди. Ҳам узунасига барвақт ишлов берди. Яна бир бор озиқлантириб, сўнгра қондириб сугорди. Пайкалнинг қайси тарафи етилди дегунча, шу тарафдан тракторни юргизаверди. Айниқса, бегона ўтнинг йўқотишга катта эътибор берилди.

Мана, шу кўнларда бу звенонинг гўзамини кўрган киши ҳавас қилган. 40 гектарлик йилда кўнларга гўзалар бир текис. Чанқаб қолган ёки қўлатиб юборилган жойни кўрмийсиз. Бирор тўп бегона ўт йўқ. Буларнинг ҳаммаси бетинин қилинган меҳнатнинг натижасидир. Энг қувончлиси Валломининг нияти, мўлжали баланд. У мана шу пайкалнинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилган. Ўтган йили 14—15 центнердан ҳосил олганга шу ердан икки баравар ортиқ пахта, бераман, дейишнинг ўзи олжаюб ҳиммат! Далада шўнга яраша ҳосил етилган. Тулларда тўқ тўқ шўғил кўсак. Бақув ват, серрох тулпар ҳамон аж олапти. Валломи гўзаларнинг шўҳлаб кетишига ҳам, гўзал кетишига ҳам йўқ қўймайди. Култивация билан бирга чеканкалаб ҳам кетапти.

УШАЛГАН ОРЗУ

ЎЗАРО текширишга кетган түпкоччи звено бошлиқларининг бир гурупасини механизатор—звено бошлиғи Назар Валиев ўзининг «Волга» машинасида олиб кетди. У бу енгил машинани ўтган йили «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирилганлиги туфайли муқофотга олган эди. У биринчи йили түпкоччи методга асослаб ишлаб, янги ўнлаштирилган ерининг ҳар гектаридан 33,3 центнердан ҳосил етиштирди. Бу 10 түпкоччи орасида энг юқори ҳосил етиштирган звено бўлди.

Совхоз маъмурияти шу йили ўзаро мусобақа шартларига «юқори ҳосил етиштирган звенога «Волга», «Москвич» енгил автомашиналари муқофотга берилади» деган гапни ҳам киритганди.

Назар қуданок, ери шўдурлаш пайтидан, шу орзу—юқори ҳосил олиш, түпкоччи деган шарофатни қўлга олиш, қоласера «Волга» машинасига етишши ниятини юрагига тугиб қўйганди. Йигит билағида тўлиб тошган кучи, қудрати, идрокни ишлатиб меҳнат қилди. Звено аъзолари билан ҳамнафас бўлиб қилинган фидокорона меҳнат туфайли улар ана-Ватан омборларига 168,9 тонна «оқ олтин» етказиб беришди. Энг қувончлиси шу бўлдики, пахтанинг таннарих 14 сўм 50 тийинданга кўтари келди. Совхоз бўйича эса 1 центнер пахтанинг таннарих 30 сўм эди. Бу звенода пахта етиштиришга сарфланган меҳнатнинг 90 проценти машиналар бажарди. Пахтанинг 93,8 проценти Назарнинг ўзи машинада териб олди. Звено аъзолари сарфланган

маблагдан ҳам анча иқтисод қилиб қолишди. Қўйида звенонинг 1963 йили даромад ва харажатлари юзасидан мисол келтирамиз.

Топирилган пахтанинг харажат етиштириш учун қилинган харажат қуйидагича:

Звено аъзоларига тўланган маош 13183 сўм.

Сарфланган ёқилғи 594 сўм.

Звенода маош фонидан 7137 сўм иқтисод қилиб қолган.

Йил охирида олган даромад, қилинган харажатнинг ҳаммаси ҳисобланди. Пиландан ошқича олган ҳосилнинг 25 проценти ва иқтисод қилиб қолган маблагнинг 20 проценти звено аъзоларига муқофот тариқасида берилди. Ана шундай ҳисоб-китоб тариқасида звено бошлиғи Валиевнинг ўзи ойига 210 сўмдан, звено аъзоларининг ҳар бири ўртача 186 сўмдан маош олишди. Шўнда уларнинг олган муқофотлари, салкам минг сўмга, кўтари келди.

Йил охирида Назарнинг икки орови бир йўла рўёбга чиқди. У «гектаридан 25 центнердан ҳосил бераман» деган аҳднинг устидан чиқди. «Мусобақада гўлиб чиқсам, «Волга» машинаси олсам» деган нияти ҳам бажарилди.

Бу йил Назарнинг режаси яна ҳам юксак. У гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилган. Ўтган йили деҳқончиликда анча тажриба ортирди. Бу йил ишни аввалдан ҳам пухта олиб борапти. Даласидаги гўзаларнинг авқи айниқса яхши. Энди ўн эмас, звено аъзолари ҳам битта-биттадан енгил машина олиш ниятида. Ҳосил мўл. Азаматла Назар сингари орзуларига етадилар.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

КАТТА асфальт йўлдан чап қўлга қайрилиб, совхоз идораси томон йўл оларкансиз бириччи навбатда кўнлигиз: «Түпкочилар сафи кўнайсиз» деган шўртга тушди. Қўриб турибдики, бу совхоздагилар механизаторлардан звено бошлиқлари тайинлаш, барча дала ишларини комплекс механизациялаш ишига катта ҳисса қўйишган. Совхозда 5 та бўлими бор. Ҳозир ана шу бўлимларнинг бириччи ва бешинчисидан бригадалар қолган, уларда ҳам битта ёки иккитанига бригадани уюратасиз. Бригадалар 500 гектарга звенолар ишлатишди. Уларга 1990 гектарга яқин ер ажратиб берилган. Совхознинг 2145 гектар ери бор. Демак, түпкочилар харақати шу йилданок кенг қўлчан ёйган. Совхоз ишчилари бу йил ана-Ватанга беш минг тонна «оқ олтин» етказиб беришди, деб аҳд қилишган. Бу ҳосилнинг қариб 4 минг тоннасини түпкоччилар етказиб беришди. Уларнинг даласида ана шу аҳдага мувофиқ ҳосил ҳам тулпанаил.

Ўз навбатида совхоз маъмурияти ҳам бу янги методга катта эътибор беришга қаради. Ҳар бир звенони етарли техника билан таъминлади. Жумладан, бир звенога битта чопиқ, битта ҳайдов трактори ва битта пахта териш машинаси бериштирилган. Звено бошлиғи ана шу техникаларни яхши сақлаш, вақтида ремонт қилиш, мумкин қадар кам ёниғи сарфлашга иштирокчи.

Илгарида трактор бузилиб-нетиб қолгудек бўлса, бир-икки кун далада ёки гаражда туриб қоларди. Эндичи? Энди бу түпкоччи звено бошлиқлари уни бирор дақиқа ишсиз қўйишмайди. Мабодо бирор қисм етмай қолса, бизга тинчлик беришмайди,— деди совхознинг бош инженери ўртоқ Ҳолиқ Улмасов.

Дарҳақиқат, механизаторлар техникани қадрлашди. Шу кеча-кундузда 32 звено механизаторларининг ҳаммаси ҳам «зангори кема»ларини пахта теримига шайлаб қўйди. Пайкалларини? Пайкалларини ҳам машина теримига мос қилиб ишланаяпти. Ахир уларнинг машиналарига териб олганга харажат қилишяпти-да. Ҳадемай бу далаларда «зангори кема»лар жавлон уради.

Чанокнинг түпкоччи пахтакорлар «бу йил биз ана-Ватанга 5.000 тонна «оқ олтин» қўлд етказамиз. Шў билан бирга түпкоччи звенолар нимадирга қодир эканлигини намойиш қиламиз» демоқдалар. Уларнинг бу нияти албатта амалга ошади.

Ф. УСМОНОВА.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мубири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 1 АВГУСТ 1964 ЙИЛ.



Суратда: (чапдан) хўжайиннинг илгор механизатор-звено бошлиқлари Қолдибек Рустамов, Мамарасул Кенжаев, Ҳамроқул Шоймардон, Норали Ботиров ва Қўнча Эшбутаев ўртоқлар.

